

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил октябрь ойининг 15 кuni жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг сайёр суд мажлисида, Қўқон шаҳар “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

раислик қилувчи Х.Қосимов,  
судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, томонлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи У.Убайдуллаева ва унинг ҳимоячиси М.Игамбердиева, жабрланувчи Д.Қаландарованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи Убайдуллаева Уктам Джураевнага нисбатан 1-1503-2101/942-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Убайдуллаева Уктам Джураевна (Ubaydullayeva Uktam Djurayevna), 1958 йил 16 октябрда Чуст шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, нафақада, судланмаган, Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Сабзизор м.ф.й., Олмос кўчаси, 27-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 3 октябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчини ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, айбланувчи, жабрланувчини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

2021 йил 28 сентябрь кuni соат 06 ларда У.Убайдуллаева жиноий йўллар билан бойлик орттириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Қўқон шаҳар “Рисқ-барака савдо” мажмуасига келиб, бу ерда савдо қилиб юрган вақтида ушбу мажмуанинг 1-қатор 63-сонли савдо растаси устида турган Д.Қаландаровага тегишли бир дона нархи 30.000 сўмлик аёллар ҳаменини ва ҳамён ичида бўлган 1.000.000 сўм пулларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан номаълум томонга яширинган.

У.Убайдуллаева жиноий йўл билан қўлга 1.000.000 сўм пуллардан 275.000 сўм пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлда сарфлаб юборган, олиб борилган қидирув ҳаракати давомида У.Убайдуллаевадан Д.Қаландаровага тегишли бир дона аёллар ҳамени ва 725.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган ва моддий зарар қисман қопланган.



Судланувчи У.Убайдуллаева судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 28 сентябрь куни соат 06 ларда Қўқон шаҳар “Риск-барака савдо” мажмуасига келиб, бу ерда савдо қилиб юрган вақтида ушбу мажмуанинг 1-қатор 63-сонли савдо растаси устида турган Д.Қаландаровага тегишли бир дона нархи 30.000 сўмлик аёллар ҳамёнини олиб кетганини, ҳамён ичида 1.000.000 сўм пули бўлганлигини, ушбу пуллардан 275.000 сўмини ўзини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Д.Қаландарова судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 28 сентябрь куни соат 06 ларда Қўқон шаҳар “Риск-барака савдо” мажмуасига келиб, бу ерда савдо қилганлигини, у ерда У.Убайдуллаева мижоз кўплигидан фойдаланиб, унга тегишли бўлган ҳамёнини ўғирлаб кетганлигини, ҳамён ичида 1.000.000 сўм пули бўлганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар У.Убайдуллаева томонидан тўлиқ қоплангани, шу сабабли судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд тарафидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Д.Қаландарова ва судланувчи У.Убайдуллаеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиев ва ҳимоячи М.Игамбердиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи У.Убайдуллаевнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини



инобатга олиб, У.Убайдуллаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи Д.Қаландаровага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Убайдуллаева Уктам Джураевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан У.Убайдуллаев жиний жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Д.Қаландаровага ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:  
аслига тўғри:

/имзо/

Х.Қосимов

Жиноят ишлари бўйича  
Қўқон шаҳар судининг раиси

Х.Қосимов

